Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 50 (7190). ● 11 март, 1980 йил ◆ СЕШАНБА ● Баҳоси 2 тийин.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИДА

ТОШКЕНТ область партия комитети Тошкент область пассажирлар ташиш автотрести ветеран ҳайдовчиларининг область йўлларида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш бўйича барча автотранспорт ходимларига мурожаатини маъқуллади.

Шаҳар, район партия комитетларига, автотранспорт корхоналарининг бошланғич партия ташкилотларига мурожаатни кенг муҳокама қилиш ва ёйиш ҳамда шу асосда йўл-транспорт ҳодисалари ва ҳаракат хавфсизлиги қоидалари бузилишини сезиларли камайтиришга эришиш топширилди.

Область касаба союзлари Советига, автокорхоналарнинг касаба союз ташкилотлари ва раҳбарларига меҳнатга коммунистик муносабатда бўлишни тарбиялаш тўғрисида ғамхўрлик қилиш, ташаббусни қўллаб-қувватлаш ва илғор тажрибани ёйиш, бунинг учун зарур шарт-шароитларни яратиб бериш, автотранспорт ходимлари меҳнат ва маиший шароитларини яхшилаш, меҳнат нормаларни ва ҳаракат хавфсизлигига риоя қилиниши назорати билан ҳар куни шуғулланиш топширилди.

(Мурожаат 2-бетда эълон қилинмоқда).

УЛУҒ САНАНИ МУНОСИБ СОВҒАЛАР БИЛАН КУТИБОЛАЙЛИК

ЯНГИЙЎЛ пойафзал фабрикасининг коллективи қизил шанбаликда тежалган хомашё ва материаллар ҳисобига меҳнат қилади. Юзлаб зарбдор ишчилар бу куни смена топширигини 125 процентга етказиб бажаришга аҳд қилишди. Замира Юсупова ана шундай илғорларнинг бири. Коммунист З. Юсупова кўп йиллардан бери мазкур корхонада бичиқчи касбида ишлаб келяпти.

В. Сироткин фотоси.

ДОНГДОР ЧЎПОННИНГ РАПОРТИ

ОҲАНГАРОНДА тажрибали, ўз ишига садоқатли донгдор чўпонлар кўп. «Ангрен» совхозининг чорвадори Мўмин Холтўраев шулар жумласига киради. У ҳар юз бош совлиқдан кам деганда 125 тадан қўзи олишга сўз берган эди.

Уста чўпон ўз сўзининг уддасидан чиқиш учун барча имкониятларни ишга солди. Ем ютуқларидан фойдаланиб, совлиқларни сунъий урчитишни вақтида ўтказди. Уларни семиртириб боқди. Шу туфайли ҳам унинг отаридаги ҳамма совлиқлар дуркун ва соғлом ўсди. Эрта қўзилатишга пухта тайёргарлик кўрилди. Натижа кўнгилдагидек бўлди. Холтўраев отарида қўзилатиш муваффақиятли бормоқда. У ҳозиргача ҳар юз бош совлиқдан 92 тадан қўзи олиб, планни барвақт бажарди. Айни кунларда у юксак социалистик мажбуриятни адо этиш учун кураш олиб бормоқда. Унинг отарида эрта-индин эрта қўзилатиш ниҳоясига етади.

В. УРИЦКИЙ.

ДАСТЛАБКИ ЗАФАР

Энгельс номли совхозда эрта қўзилатиш муваффақиятли якунланмоқда. Шу туфайли хўжалик қўзи олиш йиллик планини Паркент районида биринчи бўлиб бажарди. Мавжуд 2393 бош совлиқдан ҳозиргача 2334 бош, яъни пландан ташқари 134 бош кўп қўзи олинди. Риза Муждабоев, Жаўфар Сойибхўжаев, Манноб Тешабоев сингари тажрибали чўпонлар, айниқса, яхши натижаларга эришмоқдалар. Масалан, Р. Муждабоев отарида ҳар 100 бош совлиқдан олинган қўзи бугунги кунгача 130 тага, ўртоқ Ж. Сойибхўжаев отарида 125 тага тўғри келди. Илғор ғўйлос соҳиблари бу кўрсаткични 135—140 бошга етказиш учун шахсий намуна кўрсатиб ишлаяптилар.

Азамат чорвадорлар қўзилатишни қизғин давом эттирмоқдалар. Ҳар 100 бош совлиқдан кам деганда 117 тадан қўзи олинади.

М. ТУРСУНОВ,

ЖАМОАТ ЧОРВАЧИЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРАМИЗ

ЧОРВАЧИЛИК — ЗАРБДОР СОҲА

ПАРТИЯ ва ҳукуматимиз аҳолининг чорвачилик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини қондириш учун жуда катта ғамхўрлик кўрсатмоқда. Кейинги йилларда йирик чорвачилик комплекслари ишга туширилди. Ем-хашак базаси мустаҳкамланиб бормоқда. Чорвачиликни механизациялаштириш борасида ҳам дадил қадамлар ташланмоқда.

Бизнинг колхозимизда хўжаликнинг бошқа соҳалари билан бир қаторда чорвачиликни ривожлантириш учун катта аҳамият берилмоқда. Аввали ферма бинои талабга жавоб бермас эди. Шамол зонасига жойлашган эски биноларда ишлаш ва чорва молларини парвариш қилиш ниҳоятда қийин эди.

Район ташкилотларининг бевосита амалий ёрдами билан колхозимизда йирик чорвачилик комплекси қурилиб, 1976 йилда ишга туширилди. Ҳозир фермамизда 710 бош қорамол, шу жумладан 245 бош зотли соғин сигир бор.

Беш йилликнинг тўртинчи йилида чорва маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотишда қувончли натижалар қўлга киритилди. Планда 686 ўрнига, 711 тонна сут етиштирилди. 60 тонна ўрнига 69,7 тонна гўшт етиштирилди. Давлатга 40 тонна ўрнига 49,7 тонна гўшт сотилди.

Бу муваффақиятларга эришишда молбоқарлардан Файзи Оллоёров, Холмурод Ғойибов, чорва комплексида механизатор сифатида фаолият кўрсатаётган Умрқул Расулов, Ҳидир Едгоров, бузоқбоқарлардан Ултув Ўрозалиева, Норбуви Хўжановалар муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Янглиш Холмирзаева, Басбуви Худоёрова, Фотима Отабоева, Улмон Холиқуловалар ҳар бир сигирдан 3400—3600 литрдан сут соғиб олдилар. Беш йилликнинг якунловчи йилида улар янги марраларни кўзлаб меҳнат қилмоқдалар.

Биз чорва қишловини намунали ўтказиб, маҳсулдорликни асло камайтирмадик. Бунинг учун кўрилган пухта ҳозирлик яхши самара берди. Қишлов учун 330 тонна силос, 1610 тонна сенаж, 950 тонна беда пичани, 293 тонна сомон, 528 тонна табиий пичан ва 80 тонна беда уни тайёрланган эди. Бу жамғарилган ем-хашак чорва молларини

ХУТОРЛАРНИ ТУГАТИШ ҲИСОБИГА

ҒАЛАБА райони меҳнаткашлари беш йилликни муваффақиятли якунлаш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар. Кейинги йиллар ичида бу ерда аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш борасида кўп тадбирлар амалга оширилди. Айниқса ишчилар, дала меҳнаткашларининг уй-жой шароитини яхшилаш, уларга савдо, медицина, маиший хизмат кўрсатиш даражасини юксалтиришга эътибор кучайди. Натижада шу беш йиллик бошидан буён 10800 квадрат метр турар жой, 1200 ўринли болалар боғчаси, кўплаб мактаблар, маданий, маиший муассасалар фойдаланишга топширилди.

Район кўркига кўрк қўшишда халқ депутатлари Советлари, депутатлар, доимий комиссияларнинг ҳиссаси катта бўлмоқда. Ўтган йили район ижроия комитети кенгашларида хутор системасини тугатиш масаласи изчил кўриб борилди. Бу тадбир туфайли 19 та хутор тугатилиб, 120 хонадон янги уйларга кўчиб ўтди. Ўнинчи беш йиллик бошлангандан шу кунгача эса хуторларни бартараф этиш ҳисобига 27 гектар ер экин майдонларига айлантирилди.

С. ҲАСАНОВ.

Суратда: Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг янги фойдаланишга топширилган ётоқхонаси.
М. Нуриддинов фотоси.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАССАЖИРЛАР ТАШИШ АВТОТРЕСТИ ВЕТЕРАН ҲАЙДОВЧИЛАРИНИНГ ОБЛАСТЬ ЙЎЛЛАРИДА ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА БАРЧА АВТОТРАНСПОРТ ХОДИМЛАРИГА

МУРОЖААТИ

ҚАДРЛИ ўртоқлар!

БИЗ, ҳар биримиз машина рулида йигирма беш йил ва ундан ортиқ ишлаб, биронта ҳам йўл-транспорт ҳодисалари ва ҳаракат хавфсизлиги қоидаси бузилишига йўл қўймаган, шу билан баробар давлат планларини мунтазам равишда бажариб келаётган Тошкент область пассажирлар ташиш автотрести ҳайдовчилари, сизларга — область автойўлларида ҳаракатнинг барча қатнашчилари тўла хавфсизлигини таъминлаш бўйича чақириқ билан мурожаат қиламиз.

Биз, меҳнат ветеранлари, ўз касбимиздан, ўзимиз бажараётган ишдан фахрланамиз. Саноат ходимлари ва қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларининг самарадор ишлаши, область корхоналари ва ташкилотлари иши ҳар биримизнинг ишимизга боғлиқ.

Биз шахсий тажрибамиздан биламизки, аҳоли учун хавфсиз шароитни ташкил этиш, авариялар ва йўл-транспорт ҳодисаларини вужудга келтирмаслик асосан ўзимизга, ўз вазифамизга муносабатимизга боғлиқ. Афсуски, ҳануз ҳовлиқмалик, ҳаракат хавфсизлиги қоидаларига эътиборсизлик, ҳаракат графиги ва пассажирлар олиш нормасини бузиш, носоз автомобиль билан рейсга чиқиш натижасида йўл транспорт ҳодисалари тез-тез содир бўлмоқда.

Биз аминмизки, агар техник соз автомобиль рулида интизомли, яхши тайёргарлик кўрган, маршрутни яхши биладиган, яхши дам олган хушёр ҳайдовчи ўтирганида йўл ҳодисалари келиб чиқмайди.

Биз катта меҳнат стажи ва тажрибасига эга бўлган ҳайдовчиларни ўз фаолиятини энди бошлаётган ёш ҳайдовчиларни оталиққа олишга чақирамиз. Сиз ўзингизнинг катта амалий тажрибангиз, ўртоқлик маслаҳатларингиз, ҳовлиқмалик ва қоидабузарликка муросасизлигингиз, ҳаракат хавфсизлиги қоидалари ва меҳнат интизомига риоя қилишга талабчанлигингиз билан ёшларнинг касб маҳоратини оширишга ижобий таъсир кўрсата олишингиз мумкин ва таъсир кўрсатишингиз ҳам керак.

Биз ёш ҳайдовчиларга мурожаат қиламиз! Автотранспорт ходимларининг шонли анъаналарини қадрлангиз, профессионал ҳайдовчи деган номни шарафлангиз, йўл-транспорт ҳодисалари ва қоидабузарликсиз миллион километрдан ортиқ масофа босган ҳайдовчилар сафини кўпайтирингиз.

Биз барча автотранспорт ходимларига мурожаат қиламиз! Шуни унутмангки, йўловчилар ва пиёдаларнинг ҳаёти ва саломатлиги, автомобилларнинг шикастланмаслиги аввало сизларга боғлиқ. Сиз ўз вазифангизга сидқидилдан муносабатда бўлиш билан йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олган бўласиз.

Область автомагистралларида ҳаракатнинг барча қатнашчилари хавфсизлигини таъминлаш учун биздан лозим бўлган барча тадбирларни кўрайлик.

Р. Йўлдошев, шаҳарлараро ташиш Тошкент область автопаркининг ҳайдовчиси, Ленин ордени кавалери, меҳнат стажи 33 йил.

В. Хомяков, шаҳарлараро ташиш Тошкент область автопаркининг ҳайдовчиси, меҳнат стажи 40 йил.

Х. Гварамадзе, Янгийўл автобус-таксомотор паркининг ҳайдовчиси, меҳнат стажи 25 йил.

Ф. Фролов, Янгийўл автобус-таксомотор паркининг ҳайдовчиси, III даража Меҳнат Шуҳрати ордени кавалери, меҳнат стажи 25 йил.

Р. Жўраев, Янгибозор автобус-таксомотор паркининг ҳайдовчиси, меҳнат стажи 26 йил.

У. Иброҳимов, Янгибозор автобус-таксомотор паркининг ҳайдовчиси, меҳнат стажи 35 йил.

И. Белонин, Келес автобус-таксомотор паркининг ҳайдовчиси, III даража Меҳнат Шуҳрати ордени кавалери, меҳнат стажи 31 йил.

Т. Иноқов, Бўка автобус-таксомотор паркининг ҳайдовчиси, меҳнат стажи 31 йил.

Г. Бортников, Бўка автобус-таксомотор паркининг ҳайдовчиси, меҳнат стажи 31 йил.

А. Муҳиддинов, Бекобод автобус-таксомотор паркининг ҳайдовчиси, меҳнат стажи 31 йил.

И. Коршиков, Бекобод автобус-таксомотор паркининг ҳайдовчиси, Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери, меҳнат стажи 30 йил.

А. Ягудин, Оққўрғон автобус-таксомотор паркининг ҳайдовчиси, III даража Меҳнат Шуҳрати ордени кавалери, меҳнат стажи 34 йил.

Я. Чинтошев, Оққўрғон автобус-таксомотор паркининг ҳайдовчиси, меҳнат стажи 35 йил.

Ю. Умаров. Янгиобод автобус-таксомотор паркининг ҳайдовчиси, меҳнат стажи 26 йил.

М. Федорченко, Янгиобод автобус-таксомотор паркининг ҳайдовчиси, меҳнат стажи 29 йил.

Д. Клапенюк, Ангрен автобус-таксомотор паркининг ҳайдовчиси, меҳнат стажи 33 йил.

Р. Иброҳимов, Ангрен автобус-таксомотор паркининг ҳайдовчиси, меҳнат стажи 36 йил.

Р. Широв, Чирчиқ автобус-таксомотор паркининг ҳайдовчиси, Ҳурмат Белгиси ордени кавалери, меҳнат стажи 44 йил.

И. Мавлонов, Чирчиқ автобус-таксомотор паркининг ҳайдовчиси, «Меҳнатда ўрнак кўрсатгани учун» медали билан тақдирланган, меҳнат стажи 37 йил.

А. Ворожбит, Чирчиқ автобус-таксомотор паркининг ҳайдовчиси, Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери, меҳнат стажи 39 йил.

Д. Сулаймонов, Чирчиқ автобус-таксомотор паркининг ҳайдовчиси, меҳнат стажи 33 йил.

В. Пншулин, Олмалиқ автобус-таксомотор паркининг ҳайдовчиси, меҳнат стажи 33 йил.

Х. Холиқулов, Олмалиқ автобус-таксомотор паркининг ҳайдовчиси, меҳнат стажи 33 йил.

А. Ровнер, Тўйтепа автобус-таксомотор паркининг ҳайдовчиси, меҳнат стажи 34 йил.

К. Ражабов, Тўйтепа автобус-таксомотор паркининг ҳайдовчиси, меҳнат стажи 30 йил.

Тошкентдаги тажриба пиллакашлик фабрикаси лабораториясида пилла хом ашёси сифати аниқлаб берилмоқда. Лаборатория коллективи зиммасидаги вазифани шараф билан адо этяпти. Суратда: тажрибали лаборантлардан Мавжуда Дадаева иш устида.

С. Маҳкамов фотоси.

ЯНГИ ҚЎЛЛАНМАЛАР

ТОШКЕНТ автомобиль транспорти ва йўллари институтида ҳозир кўпгина кафедра ва лабораториялар мавжуд. Буларнинг аксарияти чинакам тадқиқот марказига айланган.

Олий ўқув юртининг назарий механика кафедраси олимлари ҳам ўз илмий ишлари билан яхши танишдирлар. Улар томонидан яратилган дарслик ва ўқув қўлланмалари олий техника ўқув юртлари студентлари учун муҳим адабиётларга айланиб қолди. Бир группа ўқитувчилар ёзган назарий механиканинг «Статистика» ва «Кинематика» бўлимларига янги методик қўлланма босилиб чиқди.

Катта ўқитувчи, физика-математика фанлари кандидати Б. Аҳмадхўжаевнинг профессор Р. Бекжонов билан ҳамкорликда тайёрлаган «Атом физикаси» дарслиги ҳам кенг тарқалди. Олий техника ўқув юртлари учун мўлжалланган «Назарий механика» ўқув қўлланмаси эса нашрга топширилди.

А. ВАЛИЕВ.

СЎНГГИ ДОВОН ОЛДИДА

«ЧИРЧИҚ «Электрохимпром» бирлашмасида капролактам ишлаб чиқариш комплекси машина-ускуналарини монтаж қилиш В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллигигача тугалланиб, у ишга туширилиш — созлаш учун топширилади» дейилади областимиз меҳнаткашларининг 1980 йилги социалистик мажбуриятларида.

Ҳа, комплекс биринчи навбати битказилишига оз вақт қолди. Бу ноёб, республикамиздагина эмас, бутун Ўрта Осиёда ягона ҳисобланган капролактам ишлаб чиқаришининг ишга тушиши сабрсизлик билан кутилмоқда. У халқ хўжалиги эҳтиёжлари учун ниҳоятда зарур бўлган маҳсулот турларини ишлаб чиқаришни анча кўпайтириш имконини беради.

Капролактам, бу аввало, автомобиллар шинадарини тайёрлаш учун асқотадиган енгил ва ўта пишиқ толадир. Айни вақтда бошқа қатор маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг негизи ҳам ҳисобланади. Бинолларнинг бирида комплекс макети ва шу капролактам ёрдамида ишлаб чиқариладиган маҳсулот турлари кўргазмасида бу яққол намоён этилган. Кўргазмага капролактамдан турли хил сунъий газламалар тўқилиши, енгил ва мустаҳкам арқон ҳамда чизмачалар тайёрланиши, турли-туман сунъий пленкалар, гиламлар, кийим-кечаклар, буюмлар устига суртилиб, ювилганда ҳам ранги кетмайдиган қопламалар, пардозлаш пластиклари, пластик қувурлар ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши кўрсатилган.

Комплексни барвақт ишга туширишда, халқ хўжалиги учун катта иқтисодий самара бериши турган гап. Шунинг учун ҳам уни бунёд этаётган уч минг кишилик бинокорлар ва монтажчилар армияси шу кунларда зарбдор вахтада туриб ишлашяпти. Комплекснинг барча объектларида ғайраттшижоатга тўла фидокорона меҳнат ҳукмрон. Фойдаланувчилар ихтиёрига топширилган цехлар ва участкаларда ишга тушириш ва созлаш ишлари жадал олиб бориляпти. Ҳозиргача капролактамнинг олтмишга яқин босқичи қуриб битказилди, уларнинг барча асбоб-ускуналари, машина-механизмлари, агрегатлари ўрнатиб бўлинди. Яна ўттизга яқин объектда қуриш ва монтаж ишлари олиб борилмоқда. Уларнинг ҳаммасида март ойи охиригача ишга туширишсозлаш ишлари бошлаб юборилади. Бинокорлар ва монтажчилар шу маррани мўлжаллаб ишлашяпти.

Ваъдага вафо қилиш эса мардиннг иши. Берилган сўз устидан чиқиш йўлидаги курашда қатор коллективлар, бригадалар, айрим ишчилар, жонбозлик кўрсатмоқдалар, меҳнатда юқори кўрсаткичларга эришмоқдалар. 160-қурилиш трестининг қатор бригадалари, қатор монтаж бошқармалари коллективлари, мамлакатимизнинг ўнлаб шаҳарларидан кўмаклашиш учун келган ҳашаржларнинг кўпчилиги ҳақида фақат илиқ сўзлар айтиниг келади. Улар зиммасидаги машаққатли ва шарафли вазифаларни сидқидилдан бажармоқдалар, қурилиш суръатининг ортишига муносиб ҳисса қўшишяпти.

«Электромонтаж» бошқармаси коллективи, шу бошқарманинг Владимир Иванович Родионов, Владимир Иванович Аверкин раҳбарлигидаги бригадалари, «Промтехмонтаж» бошқармасининг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Мажид Абдурашидов бошлиқ злобинчи бригадаси, 160-қурилиш трестининг Нури Абибуллаев бош бўлган комплекс бригадаси аъзолари унумли ва сифатли ишлашда ҳаммага намуна бўлмоқдалар. Улар топшириқларни мунтазам бир ярим баравар атрофида бажариб, социалистик мусобақада пешқадамлик қилишяпти. Меҳнатни пухта ташкил этиш, иш вақти ва материаллардан самарали фойдаланиш, энг муҳими топширилган вазифага масъулият билан муносабатда бўлиш, бутун тажриба, маҳорат ва билимни аямай сарфлаш — улар эришаётган ютуқлар омилларидир.

Комплекс қурилишида капитал маблағ ўзлаштириш планларининг бажарилиши дуруст бўлмоқда. Лекин, шунга қарамай объектларни белгиланган муддатларда фойдаланишга топширишда нуқсонларга йўл қўйилмоқда.

Юқорида комплекс бунёдкорлари ҳозиргача 60 та босқични қўлдан чиқардилар, деб айтдик. Бу объектлардаги турли-туман диаметрли қувурлар, мураккаб технологик жараёнлар содир бўладиган асбоб-ускуналар ва агрегатларни созлаб, ишлатиб кўришни кенг кўламда ташкил этиш даркор. Бунинг учун сув керак. Уларни дастлаб обиқаёт билан тўлдириш, пайванд чокларининг бутунлигини синовдан ўтказиш лозим. Лекин, сув таъминотидаги камчиликлар бунга маълум даражада ҳалақит бермоқда. Унинг етишмаслиги оқибатида қатор асбоб-ускуналарни тезда ишлатиб кўриш имкони бўлмаяпти. Сув хўжалигининг қатор қудуқлари ҳали ҳам фойдаланишга топширилмаган. Бунга ҳотима бериш учун сувнинг доимий схема бўйлаб оқишини йўлга қўйиш, насос станциясини тезроқ ишга тушириш талаб этилади. Бироқ, бу муҳим иш ҳамон охирига етказилганича йўқ. Бундай аҳвол кўп жиҳатдан сув хўжалиги учун ягона масъулиятли ташкилот бўлмаганлиги сабабли ҳам юзага келаяпти.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» КАПРОЛАКТАМ ҚУРИЛИШИДА

93-ихтисослашган трестга қарашли Чирчиқ «Промтехмонтаж» бошқармаси раҳбарлари зиммаларидаги вазифани кўнгилдагидек уддалашмаяпти. Бу ҳақда қурилиш штаби йиғилишларида ҳам жуда кўп гапирилмоқда, бошқарма раҳбарлигининг суст фаолияти, масъулиятни сезмаётганлиги таниқд қилиняпти. Чунки, бошқарманинг айби билан жуда кўп қувурлар, асбоб-ускуналарни монтаж қилиш муддатлари барбод бўлмоқда.

Бошқарма коллективи шу йилнинг февраль ойи охиригача 9 минг метр узунликдаги қувурларни пайванд қилиши керак эди. Амалда бажарилган иш ҳажми топшириқнинг ярмини ҳам ташкил этмади. Жуда кўп муҳим қувур линиялари битмай қолди. Натижада қатор босқичларда созлаш-ишга тушириш ишларини бошлаш орқага сурилмоқда.

Республика Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлиги монтажчилар сонини кўпайтириш юзасидан етарли чоралар кўрмаяпти. Бу касб эгалари ҳамон етишмаяпти. Министрлик раҳбарлари тунукачилар сонини 160 кишига етказиш ҳақидаги ваъданинг устидан чиқишмаяпти. Бу эса том устини ёпиш, қувурларни ўраш ишларидаги қолоқликни тугатишга йўл қўймаяпти.

Қувурларни монтаж қилишдаги сусткашлик ўз навбатида изоляция ишларини жадаллаштиришга ғов бўлмоқда. Шунинг учун қатор босқичларда бундай ишлар ҳали бошлангани йўқ ёки чала бўлиб ётибди. Изоляция ишларини тугатмасдан эса кўпгина цехларни ишга тушириб бўлмайди. Шуни ҳисобга олиб, қувурларни монтаж қилиш ва изоляция қоплашни яқин кунлар ичида тугатиш учун барча зарур чораларни кўриш лозим.

Қатор объектлар лойиҳачи, буюртмачи, бош пудратчи ёки ёрдамчи пудратчиларнинг «арзимаган» ҳафсаласизлиги билан комиссия томонидан қабул қилинмаяпти. У ёки бу асбоб-ускунанинг ўрнатилмаганлиги, қурилиш-монтаж ишларининг чалалиги шунга олиб келмоқда. Шу вақтгача зарур бўлган сурғич клапанлар комплектланмаган. Ҳозирги вақтда қурилиш учун 900 та сурғич керак. Буг, газ, мой ўтказгичлар ҳамон тўла ўрнатилмаган. Айрим босқичларда чоклар пайванди охирига етказилмаган. «Средазтепломонтаж» трести раҳбарлиги эса иккинчи қозонни футировка қилишни барбод этди. Тарозини, унинг электрон қисмини ўрнатиш ҳам кечиняпти.

Лойиҳачилар ишида камчиликлар анчагина содир бўлмоқда. Давлат азот саноати институти ва унинг Чирчиқ филиали ходимларига кўпинча оперативлик етишмаяпти. Лойиҳаларни ўзгартираверишу, фойдаланилиши назарда тутилган материаллар ўрнига бошқаларини ишлатишни асослаб беришнинг чўзиб юборилиши, қурилиш давомида пайдо бўлаётган муаммоларни кўпинча зудлик билан ҳал қилмаслик қурилиш-монтаж ишлари суръатига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Капролактам комплекси биринчи навбати қурилиши тугалланишига қисқа вақт қолди. Бинокор ва монтажчи ташкилотлар коллективлари уни бунёд этиш билан боғлиқ бўлган барча ишларни ўз вақтида амалга ошириш, қурилиш суръатини янада жадаллаштириш, айрим объектларни қуришдаги қолоқликни тугатишга эришишлари, маҳаллий партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари қурувчилар армияси ўртасида олиб борилаётган оммавий-сиёсий ва тушунтириш ишларини улар олдида турган вазифаларнинг сўзсиз бажарилишига сафарбар этишлари лозим.

М. МИРҲАМИДОВ.

СУҲБАТЛАР ТЕМАТИКАСИ

Иттифоқдош, автоном республикалар Олий Советларига, халқ депутатлари маҳаллий Советларига сайловлар бўлиб ўтди.

Бу сайловлар меҳнаткашларнинг юксак сиёсий ва меҳнат кўтаринкилиги вазиятида ўтди. Меҳнаткашлар партия XXV съезди, КПСС Марказий Комитети 1979 йил ноябрь Пленуми тарихий қарорларини бажариш, В. И. Ленин таваллудининг 110 йиллигини муносиб кутиб олиш, ўнинчи беш йиллик планларини муваффақиятли бажариш учун бошланган умумхалқ курашини кенг авж олдириб юбордилар.

Ўнинчи беш йилликнинг тўртинчи йили катта меҳнат муваффақиятлари билан тугалланганди. КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқларига ана шу йил якунлари бўйича Тошкент области ва Тошкент шаҳри, областнинг Калинин ва Бўка районлари, жами 14 коллектив сазовор бўлди. Бу юксак мукофот янада яхшироқ, унумлироқ ва сифатлироқ меҳнат қилишга ундамоқда.

Пойтахт области меҳнаткашлари 1980 йилда Ленинчасига, коммунистчасига меҳнат қилиб, доҳий юбилейига меҳнат ғалабалари билан бориш, коммунистик шанбаликка актив тайёргарлик кўриш соҳасидаги ишларни қизитиб юборишлар. Ҳозирда меҳнаткашлар коллективларида, турар-жойларда ўртоқ Л. И. Брежневнинг Москвадаги Бауман сайлов округи сайловчилари билан бўлган учрашувда сўзлаган ёрқин ва мазмундор нутқи жуда катта қизиқиш билан ўрганилмоқда.

Партия ташкилотлари, оғзаки сиёсий агитация кадрлари ўтган сайловларга тайёргарлик даврида жуда катта кўп қиррали оммавий-сиёсий ишларни олиб бордилар. Эндиликда ана шу ишларни янада кучайтириб, меҳнаткашларни беш йиллик вазифаларини ҳал қилишга янада активроқ сафарбар этиш даркор.

Агитация кадрлари ўзларининг жанговар сўзлари билан 1980 йилни чиндан ҳам зарбдорчасига, ленинчасига ишлаш йилига айлантириш учун ҳар бир меҳнат коллективида фаол иш олиб боришлари, бутун ишни конкрет ва аниқ ташкил этишга ўз ҳиссаларини қўшишлари, омма ташаббускорлигини ҳар тарафлама қўллаб-қувватлашлари даркор.

Бутун мамлакатда Ленин юбилейига кенг тайёргарлик кўрилаётган ҳозирги даврда агитаторлар, сиёсий ахборотчилар, сиёсий ташкилотчилар КПСС Марказий Комитетининг «Владимир Ильич Ленин туғилган куннинг 110 йиллиги тўғрисидаги» қарори асосида иш олиб боришлари лозим.

Агитация кадрлари учун навбатдаги инструктив семинар ўтказиб, шу мақсадда қуйидаги материал ва мақолалардан фойдаланишни тавсия этамиз:

Бизнинг йўлимиз — тинч бунёдкорлик йўлидир. Ўртоқ Л. И. Брежневнинг Москва шаҳри Бауман сайлов округи сайловчилари билан учрашувда сўзлаган нутқи. (Марказий, республика ва область газеталарининг 23 февраль сонлари).

Партия — раҳнамо. («Правда» газетасининг 26 февралдаги бош мақоласи).

Комплекс — бу самаралиликдемак. («Ўзбекистон агитатори», 2-сон, 26—28 betлар).

Ленинчасига, коммунистчасига яшайлик ва меҳнат қилайлик. («Ўзбекистон агитатори», 3-сон, 18—20, 21—24 betлар).

ОҒЗАКИ СИЁСИЙ АГИТАЦИЯ КАДРЛАРИГА ЁРДАМ

Март ойида суҳбатлар ва сиёсий ахборотлар ташкил қилишда қуйидаги мақолалардан фойдаланишни тавсия қиламиз:

МАМЛАКАТ ИЧКИ СИЁСИЙ ҲАЁТИ МАСАЛАЛАРИ:

СССР Олий Совети Президиумининг мажлиси (Марказий, республика ва область газеталарининг 5—6 март сонлари).

КПСС XXV съезди қарорлари амалга оширилмоқда («Ўзбекистон коммунисти», 2-сон, 3—13 betлар).

Ленин васиятларига содиқмиз («Правда» газетасининг 22 февралдаги бош мақоласи).

Бунёдкорлик ва тинчлик йўлидан («Ўзбекистон коммунисти», 2-сон, 14—25 betлар).

Бахтли бўлиш ҳуқуқи («Агитатор», 3-сон, 29—32 betлар).

Жаҳон пролетариатининг буюк доҳийси («Ўзбекистон агитатори», 2-сон, 7—10 betлар, 3-сон, 9—13 betлар).

МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТИ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА

Меҳнатни бригада усулида ташкил қилишни ривожлантириб (КПСС МК журнали «Партийная жизнь», 2-сон, 39—43 betлар).

Муқобил планларга мувофиқ («Правда» газетасининг 28 февралдаги бош мақоласи).

Зарбдорчасига, ленинчасига меҳнат қилайлик. («Политическое самообразование», 2-сон, 7—14 betлар).

Деҳқонларнинг баҳоролди ташвишлари («Агитатор», 3-сон, 21—23 betлар).

Чорвачиликни янада юксалтириш учун («Ўзбекистон коммунисти», 2-сон, 26—39 betлар).

Агитатор ва мусобақа («Ўзбекистон агитатори», 3-сон, 4—7 betлар).

Миллий даромад: унинг ҳосил қилиниши ва тақсимланиши («Политическое самообразование», 2-сон, 108—113 betлар).

Хўжалик механизми ва меҳнат унумдорлиги («Агитатор», 4-сон, 24—26 betлар).

Доимий ғамхўрлик ва диққат-эътибор берилиши («Партийная жизнь», 2-сон, 65—68 betлар).

ФАН ВА МАДАНИЯТ

Социалистик турмуш тарзи шахсни шакллантиришнинг негизи сифатида («Ўзбекистон коммунисти», 2-сон, 40—48, 58—65 betлар).

Меҳнаткашларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш («Политическое самообразование», 2-сон, 49—56 betлар).

35 минг бошқарувчи («Культура и жизнь», 1-сон, 3—5 betлар).

Олимпия халқалари остида («Агитатор», 4-сон, 36—37 betлар).

ХАЛҚАРО АҲВОЛ БЎЙИЧА

70—80-йиллар маррасида АҚШнинг ҳарбий-сиёсий стратегияси («АҚШ: иқтисод, сиёсат, идеология», 2-сон, 9—21 betлар; «Проблема мира и социализма», 2-сон, 3—7 betлар; «Новое время», 5-сон, 5—7 betлар; 6-сон, 12—13 betлар).

Афғонистон революциясининг машаққатли йўли. («Агитатор», 3-сон, 46—48 betлар).

Хитой «маданий революция»дан сўнг («Политическое самообразование», 2-сон, 137—141 betлар).

Сайлов кампаниясининг дастлабки бошланиши. («АҚШ: иқтисод, сиёсат, идеология», 2-сон, 59—64 betлар).

Бой берилган имкониятлар сиёсати («Новое время», 7-сон, 5—7 betлар).

Вашингтоннинг «совуқ уруш»га қайтиши («Агитатор», 4-сон, 46—49 betлар.

ЭСЛАТМА: суҳбатга ва сиёсий ахборотга тайёрланишда вақтли матбуот материаллари, маҳаллий мисоллар, факт ва рақамлардан фойдаланинг.

ТОШКЕНТдаги 2-нон маҳсулотлари комбина тида ҳар суткада 628 тонна ун ишлаб чиқарилмоқда. Бу ерда барча ишлар механизациялашган. Суратда: тарозибон Антонина Михайловна Романова нон заводларига жўнатиладиган унни қоп-қанорсиз ташишни кузатяпти.

А. Сидякин фотоси. (ЎзТАГ).

КУМУШ ТОЛА МЎЛ БЎЛАДИ

ЎНИНЧИ беш йилликнинг тўртинчи йилида қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларида қувончли натижаларга эришилди. Моҳир пиллачиларимизнинг «кумуш тола» хирмонлари ҳам баракали бўлди.

Колхозимиз пиллачилари астойдил ғайрат қилдилар. Улар 220 қути қурт уруғини меҳр билан парвариш қилдилар. Натижада давлатга 16 тонна пилла сотилиб, олинган социалистик мажбурият ошириб бажарилди. Қабул пунктларига план топширигида белгиланганидан икки ярим тонна кўп «кумуш тола» етказиб берилди.

Моҳир пиллачиларимизнинг кўрсаткичлари янада юқори бўлди. Ш. Насъалиева, С. Йўлдошева, Қ. Фозилова, Б. Ҳожиева каби илғор қурт боқувчиларимиз давлатга 230—280 килограммдан пилла топширдилар. Улар ҳар қути қурт уруғидан 120—150 килограммдан пилла олишга муваффақ бўлдилар.

«Кумуш тола» иноқдорларимизнинг ўнинчи беш йиллик якунловчи йилидаги режалари катта. Улар ҳар қути қурт уруғидан 80 килограммдан пилла олиб, давлатга камида 14 тонна қимматбаҳо хом ашё сотишга қарор қилганлар. Пиллачиларимиз ипак қурти боқиш мавсумига қизғин ҳозирлик кўраётирлар. Хўжалигимизда пиллачилик звенолари тузилиб, қурт боқувчилар рўйхати олиниб бўлинди. Пиллачиларни зарур анжомлар, асбоб-ускуналар, ёқилғи билан таъминлаш чоралари кўрилаётир.

Хўжалигимизда пиллачилик озуқа базасини мустаҳкамлашга ҳам катта эътибор берилаётир. Фақат ўтган йилнинг кузида 50 минг тип тут кўчати ўтказилди. Мавжуд тутзорлар парваришини ҳам қизғин олиб бораётирмиз. Бу йил «кумуш тола» хирмонимиз янада баракали бўлиши учун астойдил ҳаракат қиламиз.

Ў. АНОРБОЕВА,
Янгийўл районидаги Н. Ниёзов номли колхоз пиллачилик бригадасининг бошлиғи.

БОҒЛАР ДЕҲҚОННИ ЧОРЛАР

ПОЙТАХТ область боғбон соҳибкорлари ўнинчи беш йилликнинг сўнгги якунловчи йилида мева ва узум етиштиришни янада кўпайтириш мақсадида зарур агротехник тадбирларни амалга оширмоқдалар. Шу кеча кундузда ҳеч кечиктириб бўлмайдиган ишлардан бири мевали боғларда дарахтларнинг ортиқча шох-шаббаларини сийраклаштириш, ҳаддан ташқари ўсиб кетган бир йиллик новдаларни, дарахт атрофидан ўсиб чиққан бачки новдаларни чўғиртак қолдирмасдан танага тақаб ўткир ток қайчисида кесиб ташлашдан иборатдир.

Дарахтлар ёшлигидан қирқилмаса, тўғри шакл бериб борилмаса, улар катталашган сари шох-шаббалари қуюқлашади ва навдалари ингичкалашиб, тўлиқ ҳосилга кирганда ҳосилни кўтаролмайди, кўпинча синиб кетади. Бу аҳволни баланд бўлиб ўсувчи Розмарин каби олма нав дарахтларида кўриш мумкин. Қирқилмай ва шакл берилмай ўстирилган дарахтларда мева майда, рангсиз, қанд моддаси кам, ҳидсиз бўлиб, узоқ эрларга юбориш ёки қишда узоқроқ сақлашга яроқсиз бўлади. Бундан ташқари зararкунанда ва касалликларга қарши қўлланиладиган дорилар шохларга бир текис пуркалмайди. Ички шохларга дори яхши етиб бормаганлиги сабабли ҳашоратлар тўла кириб, кетмайди.

Айрим хўжаликларда ҳаддан ташқари баланд бўлиб ўсган дарахтлардан териб олинадиган ҳосил ерга тўкилганидан кам бўлмоқда. Холбуки, ердан териб олинган мева саноат корхоналарига қайта ишлаш учун 15 тийиндан топширилади. Устидан терилган меванинг нархи эса 40—50 тийингача боради.

Академик Р. Р. Шредер номидаги Ленин орденли мевачилик, узумчилик ва виночилик илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси тажриба базаси боғларида кўп йиллар давомида дарахтларни қирқиш ва уларга шакл бериш юзасидан илмий-тадқиқот ишлари олиб борилди. Мевалар ичида ҳозирги пайтда кучли пайвандтагларда ўстирилган олма дарахтлари кўпроқ тарқалгани учун биз мана шу дарахтларни қандай парвариш қилиб, кўп ва сифатли ҳосил олиш тўғрисида тўхталиб ўтамиз.

1979 йили область хўжаликларидаги олмазорларда об-ҳаво серёғин бўлганлиги учун ҳосил чўғи камайди. Боғларда парша (калмараз) касали кенг тарқалиши оқибатида меванинг сифати ҳам бир мунча пасайди.

Бу йили олма дарахтларида ҳосил кўп бўлиши кутилмоқда. Бироқ ҳосилга кирган дарахтлардаги ортиқча шох ва новдаларни ўз вақтида қирқиб ёки сийраклаштириб турилмаса, мўл ва сифатли мева олиб бўлмайди.

Ҳаддан ташқари қалинлашиб кетган дарахт шох-шаббаларини буташда омилкорлик талаб этилади. Чунки ортиқча шохларнинг барчасини бир йўла кесиб ташлаш зарарли оқибатларга олиб келиши мумкин. Масалан, дарахтда кўплаб катта-катта яралар пайдо бўлади, ортиқча сийраклаштириш натижасида меваларга қуёш нури кучли таъсир этиб, уларда қисман куйинди доғлар пайдо бўлиши мумкин. Шунинг учун ортиқча шохларни олиб ташлашни 2—3 йилгача чўзиш керак. Қирқиш натижасида пайдо бўлган яраларни боғ мойи билан бўяш лозим.

15—20 ёшдаги олма дарахтларининг шох-шаббаларида бир йиллик навдаларнинг ўсиши ҳаддан ташқари сусайиб кетган бўлса, унда шохларни сийраклаштириш билан бирга 3—4 яшарли шохларни қайтариб кесиш керак. Шундай қилинганда дарахт шох-шабба орасига қуёш нури нормал тушади, бир йиллик навдалар 50—60 сантиметр узунликда ўсади ва пайдо бўлган мева нормал шаклланиб, сифатли бўлиб етилади.

МУТАХАССИСЛАР МИНБАРИ

«Қибрай» совхозида олиб борилган тажрибалар шуни кўрсатдики, Розмарин олма дарахти марказий шохларининг баландлиги 4,5—5 метрдан ошмаслиги маъқул. Март ойининг бошларида марказий шохнинг баландлигини 4,5—5 метр қолдириб, устки қисми қирқиб ташланади ва ён шохлари ҳам сийраклаштирилади. Шу йўл билан олинган натижалар жуда яхши бўлди. Масалан, Умри Улуғхўжаева бригадасида 1979 йили ҳар бир дарахтдан териб олинган олма ҳосили 150—250 килограммни ташкил қилди. Бригада олма териш планини бир неча йилдан бери ортиғи билан бажариб келмоқда. Бу тажрибаларни область олмазорларида ҳам кенг жорий қилиш лозим. Шуни ҳам қайд қилиб ўтиш керакки, мева дарахтларини қирқиб, уларга тўғри шакл бериш билан бирга бу бригадада қиш фаслида 2 марта яхоб суви берилади, кузда, баҳорда ва ёзда органик ва минерал ўғитлар солиниб, ер чуқур қилиб ҳайдалади ва ёз давомида 3—4 марта қондириб сув берилади.

Мева дарахтлари ҳар йили қирқилаётган хўжаликларда ҳаддан ташқари ўсиб кетган бир йиллик навдалар 40—50 сантиметр қолдириб қайтариб кесилади, синган, касалланган ва қуюқ соя берадиган ортиқча шохчалар асосий шохга тақаб олиб ташланади.

Олма, нок, беҳи дарахтларининг навлари бир хилда кесилса, шафтоли дарахтлари бутунлай бошқача усулда кесилади. Маълумки, катта ва кичик ёшдаги шафтоли дарахтлари уруғли мева дарахтларига нисбатан совуққа чидамсиз бўлганлиги учун, эрта баҳорда куртак қўзғалмасдан кесиш тавсия этилади.

Шафтоли дарахтларида бир йиллик навдаларнинг яхши ўсишини таъминлаш учун шох-шаббасини ҳар йили қайтариб қирқиб туриш керак бўлади. Мана шу дуркин ўсган новдаларда келгуси йили ҳосил куртаклари кўплаб пайдо бўлади.

Ёш экилган олма кўчатларига сийраклаштирилган шакл бериш мақсадида 5—6 йил ичида асосий она шохларни мобайнида хўжалик ва молиявий тадбирларни ҳаётга тадбиқ этиш соҳасида қатор арзигулик ютуқларни қўлга киритдилар. Чакана товар-оборот йўли билан савдо қилиш план ва топшириқлари зиёдаси билан адо этилди. Тўрт йил давомида чакана товар-оборот бўйича ўсиш 957,8 миллион сўмга кўпайди ва бу рақам ўтган йилда 4 миллиард 220 миллион сўмни ташкил этди.

ривожлантириш учун ортиқча шохларни ва новдаларни қайтариб кесиш ва зарур бўлганда бутунлай олиб ташлаш керак. Кейинчалик эса кесиш ишлари ҳосил чўғини кўпайтириш ва сифатини яхшилашга қаратилиши лозим.

Янги кўчатлар экиб бўлиргандан сўнг, албатта, ер устки қисмидаги ортиқча новдалар 50—60 процентга қисқартирилади ва ортиқча ўсган новдалар асосий марказ шохга тақаб олиб ташланади.

Кўпгина хўжаликларда синган ва қуриган шохларни олиб ташлаш билан чегараланилади, холос. Бу билан дарахтлардан сифатли ва мўл ҳосил олиб бўлмайди. Тўғри, дарахтлардаги синган ва қуриган шохларни ҳар йили олиб ташлаш керак. Аммо, бундан ташқари 2—3 йилда бир марта олмазорларда тўлиқ қирқиш ва шакл бериш тавсия этилади. Тўлиқ қирқишда дарахт шох-шаббаларидаги кераксиз шохлар ва навдалар олиб ташланади. Ортиқча ўсиб кетганлари эса қисқартирилади.

Шу кунларда боғ ва токзорларда ҳар бир қулай кундан фойдаланиб, қуриб қолган кўчат ёки дарахтларни кундаков қилиб олиб ташлаш, ўрнига яхши ривожланган кўчатларни экиш керак. Боғ ва токзор хатосини тўлдиришда худди шу ерда ўсаётган мева тур ва навларидан келтириб экиш лозим. Мева навлари аралаштириб юборилганда келгусида боғ ва токзорларда ҳосил чўғи камайиб, мева сифати пасаяди.

Кейинги пайтларда хўжаликлар кўпроқ кечки олма ва узум навларидан экмоқдалар. Эртаги мева ва узум навлари 10 процент, ўртагиси 10 процент, кеч кузда пишадиганлари эса 80 процент бўлиши керак. Шундай нисбатда экилган боғлар ва токзорлар аҳолининг ва аграр-ишлаб чиқариш корхоналарининг мева маҳсулотига бўлган талабини тўлиқ қондириш имкониятини беради. Янги мевазор ва токзорлар барпо қилишда кеч кузда пишадиган мева ва узум навларидан кўпроқ экиб, қатъий назорат ўрнатиш керак. Бундан ташқари етиштирилаётган ҳосилни ўз вақтида сифатли қилиб йиғиштириб олиш, мева ва узумни яхши сақлашга катта аҳамият бериш лозим.

Тупроқ қатлами 8—10 градусгача исиганда ток танасида шира суви қўзғала бошлайди. Шунинг учун шира суви танада қўзғалмасдан март ойи ичида куртак уйғонмасдан токлар кесилиши лозим. Токзорлардаги ишком, бағозлар, сўрилар, шпалерларни ток очилгунга қадар ремонт қилиб қўйиш зарур.

Бу йил область хўжаликларида катта-катта майдонларда янги боғ-роғлар ва токзорлар барпо қилиниши мўлжалланмоқда. Бунинг учун ҳозирдан ерни тайёрлаш ва кўчатларнинг яхши тутиши ҳамда келгусида тез ўсиб, барвақт ҳосилга киришини таъминлаш чораларини кўриш лозим.

М. МИРЗАЕВ,
ВАСХНИЛ мухбир аъзоси, қишлоқ хўжалик фанлари доктори.

М. СОБИРОВ,
қишлоқ хўжалиги фанлари кандидати.

ЁДГОРЛИКЛАРНИ САҚЛАШ УМУМХАЛҚ ИШИ

Тарих ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш область Советида ёдгорликларни сақлаш, шунингдек, уларни ўрганиш ва аҳоли ўртасида кенг пропаганда қилиш ишларига катта эътибор берилмоқда.

Область территориясида 1438 дан ортиқ турли хил ёдгорлик бор. Шулардан 212 таси давлат муҳофазасига олинган. Кейинги даврда мобайнида олимлар, жамиятнинг тарих ва археология секцияси аъзолари томонидан ёдгорликларнинг қолган қисми ҳам ўрганилди. Уларнинг бадиий ва тарихий қиммати аниқланди. Область ижроия комитетининг қарорига асосан яна 166 тарих ва маданият ёдгорликлари давлат муҳофазасига олинди. Ҳозирги кунда ёдгорликларни топиш ва уларни ўрганиш ишлари кенг кўламда олиб борилмоқда.

Яқинда ана шу жамият область Совети Президиумининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда 1979 йил якунлари ва 1980 йил вазифалари юзасидан шу жамият область Совети раиси Ўринбосари М. Мирсоатов доклад қилди. Ноғиқ ўтган йили областнинг шаҳар ва районларида 220 дан ортиқ лекция ва суҳбатлар ўтказилгани, жамият аъзолари ва жамоатчи инспекторлари томонидан 80 дан зиёд экскурсиялар уюштирилгани ҳақида тўхталди.

Ҳозирги кунда жамиятнинг бошланғич ташкилотлари сони 1110 дан ортиқ бўлиб, аъзолар эса 555000 кишидан ошиб кетди.

Бу йил жамият аъзолари олдида улкан вазифалар турибди. Жумладан, улар доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллик юбилейига, шунингдек, Буюк Галабанинг 35 йиллигига қизғин тайёргарлик кўрмоқдалар. Жойларда доҳийнинг ҳаёти ва революцион фаолиятини акс эттирувчи ҳоналар ҳамда бурчаклар ташкил этилмоқда. Улуғ Ватан уруши ва меҳнат ветеранлари билан учрашувлар уюштирилмоқда.

Йиғилиш сўнгида ўтган йил якунларига биноан социалистик мусобақада ғолиб чиққан Олмалиқ, Чирчиқ, Ангрен шаҳарларидаги ва Янгийўл, Ўрта Чирчиқ, Калинин, Пискент, Бўка ҳамда Тошкент районларидаги жамият бўлимларининг масъул секретарлари тарих ва маданият ёдгорликларини сақлаш республика Советининг Фахрий Ёрлиқлари ва пул мукофотлари билан тақдирландилар.

Қ. КАРИМОВ.

ДУНЁ ОВОЗИ
чет эл хабарлари

ЯКШАНБА КУНГИ ЧЕТ ЭЛ ВОҚЕАЛАРИ

КУБА ХОТИН-ҚИЗЛАР ФЕДЕРАЦИЯСИ СЪЕЗДИ ЎЗ ИШИНИ ТАМОМЛАДИ

ГАВАНА. Пойтахтдаги Карл Маркс номли театрда Куба хотин-қизлар федерациясининг III съезди ўз ишини тамомлади. Съезднинг якунловчи мажлисида Куба Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, республика Давлат кенгаши ва министрлар Советининг Раиси Фидель Кастро нутқ сўзлади. У халқаро аҳволни анализ қилиб берди ва мамлакатнинг ички ҳаётига доир бир қанча масалаларга тўхталиб ўтди.

Кейинги вақтларда деди Ф. Кастро жаҳонда вазият анча мураккаблашди. Тескарича империалистик доиралар қуролсизланиш ва кескинликни юмшатиш йўлига тўсқинлик қилишга, кейинги йилларда социалистик мамлакатларнинг ва аввало Совет Иттифоқининг сарфлаган куч-ғайрати туфайли бу соҳада эришилган ҳамма муваффақиятларни йўққа чиқаришга интилмоқдалар.

Америка империализми, деди Ф. Кастро, Афғонистонга нисбатан игвогарлик сиёсатини ўтказиб келмоқда. Афғонистон учун чет эл интервенцияси ҳавфи очиқдан-очиқ таҳдид қилмоқда. Совет Иттифоқи ёрдами билангина империализмнинг режаларини барбод этишга эришилди.

Империалистик кучларнинг ҳарбий тайёргарлиги ва игвогарликларидан, Лотин Америкасидаги бир қанча мамлакатларга тазйиқ қилишни кучайтиришдан кўзлаган бирдан-бир мақсади Никарагуа, Гренада, Сальвадор ва Лотин Америкаси бошқа мамлакатларидаги революцион жараёнга тўсқинлик қилишдан иборатдир, деди сўзини давом эттириб Ф. Кастро.

Куба раҳбари ўз сўзининг охирида Куба хотин-қизлар федерациясининг III съезди Куба хотин-қизларининг сиёсий етуклигини, уларнинг революция ва коммунизм идеалларига садоқатини зўр куч билан кўрсатди, деб таъкидлади.

РУМИНИЯ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИДА САЙЛОВ

БУХАРЕСТ. Руминияда мамлакатнинг олий қонун чиқарувчи органи — буюк миллат мажлисига, шунингдек мамлакат халқ советларига сайлов бўлиб ўтди.

Шу органларга кўрсатилган номзодлар доимий сиёсий ташкилот — Афғонистонга нисбатан игвогарлик сиёсатини ўтказиб келмоқда. Афғонистон учун чет эл интервенцияси ҳавфи очиқдан-очиқ таҳдид қилмоқда. Совет Иттифоқи ёрдами билангина империализмнинг режаларини барбод этишга эришилди.

ТЕҲРОНДА АМЕРИКАГА ҚАРШИ НАМОЙИШ

ТЕҲРОН. Бугун АҚШ элчихонаси биноси олдида «Америка империализмига ўлим», «Империалистларнинг хомийлари йўқолсин» деган шиор остида кўп минг кишилик намойиш бўлиб ўтди. Намойиш иштирокчилари Америка империализмининг Эрон революциясига қарши давом этаётган кирдикорларини кескин қоралардилар. Улар собиқ шоҳнинг тутиб берилишини ва унинг Эрон халқига қарши қилган ҳамма жиноятларига муносиб жазо бериш учун судга топширилишини талаб қилдилар.

ИНСОНПАРВАРЛИК НАМУНАСИ

РИО-ДЕ-ЖАНЕЙРО. Бу ерда 5 миллион доза миқдорида полиомиелитга қарши вакцина Совет Иттифоқи номидан Бразилия соғлиқни сақлаш министрлигига берилди. Бу мамлакатда 40 миллион доза совет вакцинасини юбориш тўғрисидаги шартномага мувофиқ юборилаётган дори-дармоннинг биринчи туркумидир.

Совет медицина препарати Бразилияннинг фармацевтика саноатида капитали ҳукмронлик қилаётган етакчи Ғарб давлатларининг маҳсулоти билан рақобатда ғолиб чиқди.

Бразилия мутахассислари полиомиелитга қарши совет вакцинасининг сифатига, СССР саноатининг бу дорини ўз вақтида ва кўп миқдорда етказиб бераётганлигига юксак баҳо бермоқдалар.

(ТАСС, 10 март).

АЛОҚАЛАР МУСТАҲКАМЛАНАВЕРСИН

ТЕҲРОН, 10 март. (ТАСС мухбири). Истибдод шоҳ режими қулаганидан кейин эронликларнинг шимолдаги қўшнисига бўлган қизиқиши ниҳоятда ўсди. Совет Иттифоқи билан танишишни шу қадар кўп киши истайдики, туристик агентликлар талабларни расмийлаштиришга улгурмай қолдилар. Эроннинг 21 мартга тўғри келадиган янги йили — наврўз кунларидагина эронли туристлардан 1200 дан кўпроқ киши Москва, Ленинград, Боку, Ереван, Киев ва Тбилисига боради. Маҳаллий агентликлар учун «Аэрофлот» самолётларининг бир неча махсус рейсларини заказ қилишган.

Эроннинг ўнлаб гражданлари рухсат сўраб турли туристик бюроларга ва совет элчихонасига ҳар куни мурожаат қилмоқдалар. Улар орасида Москвада ўтказиладиган Олимпиада ўйинларига боришни истовчилар кам эмас. Олимпиада пойтахтига бориш учун билетлар ва путевкаларни тақсим қилишни Эрон миллий Олимпиада комитети ўз зиммасига олди.

Эрондаги «Интурист» ваколатхоналаридан бирига путевка олиш учун келган бўлғуси турист бундай деди: «революцияга қадар паспортида СССРга борганлик тўғрисида белги қўйилган бўлса, бундай эронликни шоҳнинг САВАК охранкаси «қора рўйхат»га ёзиб қўйган бўлар эди, энди эса мамлакатларимиз халқлари ўртасидаги алоқаларни кенгайтириш учун янги имкониятлар очилди». «Совет Иттифоқи билан танишиш,— деб таъкидлади у, — ўртамизда дўстлик ва яхши қўшничилик ҳисларини мустаҳкамлашга ёрдам беради».

М. КРУТИХИН.

АФҒОНИСТОННИНГ ИЧКИ ИШЛАРИГА АРАЛАШМОҚДАЛАР

КОБУЛ, 10 март. (ТАСС). Афғон ҳарбий қўмондонлигининг вакили кейинги вақтларда Қандаҳор вилоятининг ўзидагина Покистондан АДРга қурол-ярог ортилган ва террорчилар группаси тушиб келаётган 20 га яқин юк автомобиллари қўлга олинганлигини маълум қилди. Мана шу террорчи шайкалар Америка империализми, Хитой, Араб ва Покистон реакцияси билан алоқадор ва Афғонистонга қарши ташкилотларга мансуб кишилардир.

Бахтар агентлигининг хабар беришича, Афғонистон ҳарбий ҳаво кучларининг қўриқчи самолётлари февраль ойининг охирида бешта юк автомобилидан иборат колоннани жанубий Афғонистондаги вилоят маркази Қандаҳор шаҳри томонга келаётганлигини аниқладилар. Шу автомашиналардан самолётларга қараб пулеметдан ўқ отилган. Бунга жавобан самолётдан отилган ўқ билан учта юк автомобили ёндирилган. Қандаҳор гарнизонининг шу ерга етиб келган бўлинмалари бандитларни қуролсизлантирдилар. Бу машиналарга Америка, Хитой ва Ғарбий Германияда ишланган пулемет, автомат, милтиқ, тўппонча, қўл граналалари ортилган эди. Юк автомобилларининг шоферлари тергов вақтида бу қурол-яроғлар Қандаҳор вилоятига Покистон территориясидан юборилганлигини айтдилар.

Автомашиналарнинг биридан жуда кўп миқдорда ажнабий ва маҳаллий пул топилди.

ЭФИОПИЯ ҳукумати саводсизликни тугатиш соҳасидаги тадбирларни изчил амалга оширмоқда. Ҳозирги вақтда мамлакатда 6 миллиондан ортиқ киши катта ёшдагилар орасида саводсизликни тугатиш курсларида ўқимоқдалар. Шунингдек, саводсизликни тугатиш бўйича 305 минг марказ тузилган бўлиб, уларда 214 мингдан ортиқ ўқитувчи, олий ўқув юртларнинг талабалари ҳамда юқори синфларнинг ўқувчилари машғулот ўтказишмоқда. Суратда: Аддис-Абеба шаҳрининг ўқув марказларидан бирида кўргазмали қуроллар тайёрланмоқда.

АДН—ТАСС фотоси.

КАРТЕРНИНГ ОБРЎЙИ ТУШИБ КЕТАЯПТИ

НЬЮ-ЙОРК, 10 март. (ТАСС мухбири). Ҳозирги Вашингтон маъмуриятининг фаолиятидан тобора кўп америкаликлар норозилик билдирмоқдалар.

Ж. Гэллап институтининг жамоат фикрини сўраб чиқиш натижасида тўплаган маълумотларига кўра, шу ой ичида Ж. Картернинг президент лавозимидаги фаолиятига ижобий баҳо берган америкаликлар сони декабрь ойидагига нисбатан 9 процент камайган.

Л. Харрис хизматининг Эй-Би-Си телевизион компанияси билан биргаликда бундан илгари сўраб чиқиши натижасида америкаликларнинг 58 проценти Ж. Картернинг ташқи сиёсий фаолиятига салбий баҳо берганликлари маълум бўлди. Сўраб чиқилган кишиларнинг 65 проценти маъмуриятнинг қурол-яроғларни кўпайтириш ва ҳарбий бюджетни мислсиз даражада ошириб юбориш йўлини кескин қораладилар.

Кўпчилик обзорчилар мамлакатнинг ҳозирги вақтда бошдан кечираётган иқтисодий қийинчиликлари маъмуриятнинг халқаро майдондаги ишлари билан мустаҳкам боғлиқ, деган фикрни билдирмоқдалар.

Кўпгина кузатувчиларнинг фикрича, бундай кайфиятлар президентга Оқ уйга қайтадан сайланишига жиддий тўсқинлик қилмоқда. «Кишилар Картернинг раҳбар бўла олиш қобилиятига гоят шубҳа билан қарамоқдалар», деб таъкидлайди «Крисчен Сайенс монитор» газетаси.

Обзорчиларнинг фикрича, БМТ Хавфсизлик Кенгашида овоз бериш вақтида маъмуриятнинг қилган икки юзламачилиги оқибатида келиб чиққан можаро президентнинг обрўйини янада кўпроқ даражада тушириб юборади. Маълумки, Америка делегацияси Исроилнинг босиб олган Араб территорияларидаги мустамлакачилик сиёсатини қоралаган резолюцияни қувватлаб чиққан эди, кейинчалик эса президент сионистларнинг тазйиқи остида бу позициядан тезгина воз кечди.

Бу воқеа, деб ёзади «Уолл-Стрит жорнэл» газетаси, маъмуриятнинг «ўта кетган ношудлигидан» далолат беради.

Ю. РОМАНЦОВ.

ТУРМУШ ФАРОВОН—ҲАЁТ ЧАРОҒОН

ЖОНАЖОН Коммунистик партиямиз ва Совет ҳукумати меҳнаткашлар фаровонлигини ошириш, аҳолининг турли хил кенг истеъмол маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондириш тўғрисида ҳамиша ғамхўрлик қилиб келмоқда. Савдо, умумий овқатланиш, маиший хизмат кўрсатиш соҳасидаги ишлар сифатини яхшилаш, истеъмолчига ва уларнинг талаб ҳамда хоҳишларига эътиборни кучайтириш муаммолари кун тартибидаги доимий масалалардан ҳисобланади. Бу соҳа ходимларига қарата ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС XXV съезди минбаридан туриб шундай деган эди: «Совет кишиларининг фаровонлиги ҳам, кайфияти ҳам сизларга, сизларнинг меҳнатингизга кўп жиҳатдан боғлиқдир. Буни эсдан чиқарманг. Ташаббус кўрсатиб, яхши ишлангиз... Партия сизларни шунга даъват этмоқда, сизлардан шуни кутмоқда».

Яқинда махсус мухбиримиз «ЎЗБЕКБИРЛАШУВ» ПРАВЛЕНИЕСИ РАИСИНИНГ ЎРИНБОСАРИ С. Ш. ҲАМРОЕВА билан учрашиб, унга бир неча саволлар билан мурожаат қилди.

— Султоной Шариповна, беш йилликнинг охирги йилларида қишлоқ аҳолисига савдо хизмати кўрсатиш ва унинг маданиятини ошириш жабҳасида қандай ижобий натижаларга эришилди?

— Республикамиз кооператорлари КПСС XXV съезди ва Ўзбекистон Компартияси XIX съезди қарорларини амалга ошира бориб, беш йилликнинг тўрт йили мобайнида хўжалик ва молиявий тадбирларни ҳаётга тадбиқ этиш соҳасида қатор арзигулик ютуқларни қўлга киритдилар. Чакана товар-оборот йўли билан савдо қилиш план ва топшириқлари зиёдаси билан адо этилди. Тўрт йил давомида чакана товар-оборот бўйича ўсиш 957,8 миллион сўмга кўпайди ва бу рақам ўтган йилда 4 миллиард 220 миллион сўмни ташкил этди.

Албатта, бу рақамлар замирида қилинган катта ишлар ётади. Қишлоқ жойларида савдо маданиятини ошириш, харидорларга хизмат кўрсатишнинг прогрессив усул ва шаклларини жорий этиш, кооператив савдо системасини комплекс рационализациялаштириш, ишлаб чиқариш ва умумий овқатланиш тармоқларида илғор тажрибаларни қўллаш, савдо майдонларидан унумли фойдаланиш қувончли самаралар бермоқда. Кейинги пайтларда кооператорларимиз, айниқса, умумий овқатланиш шахобчаларини ривожлантиришга асосий эътиборни қучайтирдилар. Шу кунларда район марказлари, колхоз территорияларида ва мактабларда ўн мингга яқин умумий овқатланиш объектлари ишлаб турибди. Улардаги ўринлар сони 330 минг кишиликдир. Шунингдек, қишлоқларда йирик савдо марказлари қуриш, аҳолини зарур саноат ва истеъмол маҳсулотлари билан таъминлаш ҳам бир мунча намунали йўлга қўйилди.

Мана бир мисол. Яқинларгача пойтахтимиз биқинида жойлашган Янгийўл, Калинин, Оржоникидзе каби районларнинг аҳолиси нон, ёғ ҳаётий қандолат маҳсулотлари олиш учун Тошкент шаҳрига келиб-кетишга мажбур эдилар. Эндиликда кўпгина районларда нон ёпиш цехлари, қандолатчилик корхоналари ёки уй-рўзғор буюмлари ишлаб чиқарадиган пунктлар очилди. Бу бир томондан юзлаб одамлар учун яхши қулайлик туғдирса, иккинчи томондан меҳнаткашларнинг қимматли вақтларини тежамоқда.

Ҳар йили «Ўзбекбирлашув» бўйича капитал қурилишларга 60 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланмоқда. Юқорида айтилган корхоналар, савдо марказлари, универсал магазинлар қатори консерва ва алкоголсиз ичимликлар заводлари, сабзавот ва мева сақланадиган гигант омборлар, болалар муассасалари, ўқув корпуслари, умумий ётоқхоналар, турар-жой бинолари барпо этилаётир. Буларнинг ҳаммаси қишлоқларимиз маданияти савиясини кўтаришга, шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги тафовутни йўқотишга ёрдам бермоқда.

— Ҳамма нарсани кадрлар ҳал қилади деган гап бор. КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарори асосида ёш мутахассислар тайёрлаш масаласи қандай аҳволда?

— Бизнинг системамизда 75 мингдан кўпроқ ёшлар ишламоқда. Уларнинг 40 мингги комсомол аъзоларидир. Беш йилликнинг тўрт йилида ёшлар 20 мингга кўпайди. Янги келган мутахассисларнинг 16 мингга яқини комсомол йўлланмалари билан келган ёшлардир. Улар келажакда сотувчилик, ошпазлик, қандолатчи, нонвойлик касблари бўйича ўз ишининг усталари бўлиб етишадилар.

Ҳозирги асосий вазифалардан бири ана шу ёшларни меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш руҳида тарбиялашдир. Улар иш сифати ва самарадорлиги учун ҳамиша жон куйдириб меҳнат қилмоқдалар. Ҳозир системамизда фаолият кўрсатаётган мингга яқин комсомол-ёшлар коллективлари, 2 мингга яқин коммунистик меҳнат бригадалари эришаётган ютуқлар фикримизнинг далили бўла олади. Тошкент областининг Ўрта Чирчиқ районидаги Т. Расулов бошлиқ «Ўртасарой» савдо корхонаси ходимлари, Калинин район тайёрлов конторасининг хизматчилари Э. Умархўжаев, А. Жалилов кабилар ўн биринчи беш йиллик ҳисобига ишламоқдалар.

Матлубот жамиятларида ёшларнинг бадиий ҳаваскорлик тўгаракларида ва оммавий—спорт ишларида иштироки кун сайин кенгайиб бормоқда. Ҳозир деярли барча кооператив ташкилотларида клублар, қизил бурчаклар, маданият университетлари ишлаб турибди. 75 минг китоб фондига эга бўлган 123 кутубхона ходимларнинг сиёсий ва маънавий онгини оширишда яхши хизмат қилмоқда.

Ёшлар тарбиясига комплекс ёндошиш мақсадида жойларда тез-тез конкурслар, кўриклар, спартакиадалар ва турли хил мусобақалар ўтказиб турилмоқда. Тошкент кооператив техникумида уюштирилаётган бундай тадбирлар бошқаларга намуна бўла олади.

Ишлаб турган кадрларнинг билим савиясини ва малакасини ошириш ҳам катта аҳамиятга молликдир. Биргина Тошкент областида номенклатурадаги раҳбар ходимларимизнинг 388 нафари ёки 80 процентга яқини махсус маълумотга эга мутахассислардир. Бу областда масъул лавозимларга хотин-қизларни тайинлаш ҳам юқори даражада деса бўлади. 8668 моддий жавобгар ходимлардан 4469 киши ёки бошқача қилиб айтганда 51,5 процентини хотин-қизлар ташкил этади.

Баъзан масъул лавозимларга маълумоти кам, ёхуд ўтмишда нопок ишлар билан шуғулланган шахсларни тайинлаш ҳоллари ҳам учраб туради. Чиноз, Бўка, Бўстонлиқ, Ғалаба районларидаги матлубот жамиятларида ана шундай нохуш фактларни учратиш мумкин. Бундай камчиликлар келажакда такрорланмаслиги керак.

— Аҳоли эҳтиёжи кундан-кунга ўсиб бораяпти. Келажакда амалга оширилади-ган тадбирлар тўғрисида қисқача айтиб берсангиз?

— Тўғри. Аҳоли эҳтиёжи —замон барометри, деб бежиз айтмайдилар. Яқинда бўлиб ўтган СССР Олий Совети Президиумининг мажлисида бу масаланинг кўриб чиқилганлиги ҳам бежиз эмас. Унда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев аҳолини харидоргир моллар билан таъминлаш масаласида ўзининг қимматли фикрларини билдирди.

Тобора ўсиб бораётган совет кишиларининг талаб ва истакларини тўла-тўкис қондириш бизларнинг бевосита бурчимиздир. Бу соҳадаги фаолиятимизни лозим даражага кўтариш учун жойларда халқ эҳтиёжини ўрганиш комиссиялари тузиш ниятидамиз. Янги ходим тажрибали мутахассис бўлиб етишиши учун яхши устоз қўлига тушиши керак. Буни эътиборга олиб, район матлубот жамиятлари штатига биттадан инструктор қўшиб бериш масаласини ҳам ўйлаб кўришимиз лозим бўлади.

«Ўзбекбирлашув»да меҳнат қилаётган барча коллективлар доҳиймиз В. И. Ленин таваллудининг 110 йиллигини муносиб нишонлаш ва КПССнинг бўлажак XXVI съездини ўз соҳаларида янги-янги муваффақиятлар билан кутиб олишга азму-қарор қилганлар.

Р. УМАРОВ.




Тошкентда Москва катта цирки артистларининг гастроллари муваффақиятли давом этмоқда. Цирк ихлосмандлари биринчи марта ҳар куни «Шерлар ораси да», «Алибек» Осетия йигитлари гастролларини томоша қилишяпти. Суратлар да: Тошкент Давлат цирки манежида. С. Маҳкамов фотолари.

ФРОНТ ЙЎЛЛАРИДА

XXXV

ЮКИ оғирлигиданми ёки ўтхонаси кучсизлигиданми пишқириб, оғир ух тортганича аста секин ғарб томонга бораётган поездда қий-чув, тўс-тўполон авжида. Тирбанд вагонлардан бирида икки совет жангчиси ўтирибди. Бири — паст бўйли, оқ юзли, шаҳло кўз офицер қиз. Погонларидаги белгидан унинг ҳарбий врач эканлигини англаб олиш қийин эмас. Иккинчиси — Ваня. Қадди-қомати келишган, ҳарбий кийим ўзига қуйилиб тушган, ёши йигирмалардан ошиб-ошмаган оддий солдат.

— Поездимиз тўхтаса, бир тўйиб сув ичиб олардик-да,— дейди солдат имиллаб бораётган поездга шама қилиб.— Сиз ҳам роса сувсирагандирсиз, ўртоқ младший лейтенант.

Поезд станцияда тўхтаб, яна силжиганида «йўл беринглар!» — дея купе олдида терлаб-пишиб кетган Ваня пайдо бўлди. Офицер қиз қутилмаган ажиб манзаранинг гувоҳи бўлди. Ваня сув келтираман деб ваъда қилиб, унинг уддасидан чиқолмагани учун гуноҳкорона жилмаяр, чап қўлини елкасига ташлаб олган жангчи қизнинг пинжига кириб олиб, уни суяб келарди. Қизи сезилар-сезилмас оқсар, оёғининг лат еган ери зирқираб оғрияпти чоғи, тишини-тишига қўйиб энтикарди.

Қиз қулайроқ жойлашиб олди. Шинелини ечиб, барра телпагини бошидан олиб, тиззасига қўйгач, кўкрак чўнтагидан дастрўмолчасини олиб, юзида, бўйнида милтираб турган маржон терни артди.

Унинг ҳаракатларини кузатиб ўтирган ҳарбий врач қутилмаган тасодифан сехрлангандай киприкларини пирпиратар, «ажабо, ўнгимми, тушимми?» деган саволга жавоб қидирарди. Рўпарасида қуралай кўзларини чақнатиб, елкасини қоплаб тушган қундуз сочини ўқтин-ўқтин силаб ўтирган пари чеҳра қизга суқланиб боққан сайин, қалбида аллақандай ички ғурур, билиб бўлмас ҳис-туйғулар туғён ураверди. «Қаерда учратганман илгари уни, негадир кўзимга иссиқ кўринади? Рус тилида ҳижжалаб гапиради. Афти-ангоридан эса русга ўхшамайди, осиёлик бўлса керак», ўйларди у.

— Кечирасиз, синглим, қаерликсиз?

— Узбекистонлик. Тошкентданман.

— Вой, Тошкентданман денг! — Врач қора соч қизни бағрига тортиб, маҳкам қучди. — Узбек бўлсангиз керак, деб таҳмин қилиб ўтирувдим. Тошкентни биламан, кўп бўлганман у ерда.

— Бизнинг қишлоғимизни Қовунчи деб аташади. Эшитгандирсиз?

— Бўлмаса-чи! Ҳамшаҳар эканмиз-да! Ўзим Оренбургда туғилганман. Тақдир қанотида бориб қолгандим, қуёшли ўлкангизга. Урушдан аввал Тошкент яқинидаги Узун деган қишлоқда ишлаганман.

Ҳарбий врач шўх жилмайиб, ўзини Малика Гилмуддинова деб таништирди.

— Менинг исмим эса Саида, фамилиям Султонова.

Солдат қизларнинг гурунгига аралашмай жим ўтираверди. Бунинг устига ушлаб Ваня етти ухлаб тушига ҳам кирмаган нотаниш тилда гурунглашар эдилар. Савол-жавоб авжига минди.

— Йўл бўлсин, Саида опа? — деди Малика, — қаёқлардан келяптилар? Нега ёлғизсиз?

— Ғарбга зудлик билан кетаётган қисмимга етиб олай дейман, — ҳикоя қила бошлади Саида. — Бессарабияни фашистлардан озод қилган кезларимизда оёғимдан яradор бўлиб, госпиталга тушиб қолгандим. Даволаниб, десангиз, яна қуролдошларим сафига қайтдим. Ҳарбий эшелонда фронтнинг олдинги линияси томон борардик. Фронт линиясига яқинлашганимиз сайин осмонда душман самолётлари пайдо бўлиб, бомбардимонга тутарди.

Шунда поезддан сакрайман деб, яраси битмаган оёғим билан йиқилибман. Шуни айтсалар керак-да, аяган кўзга чўп тушади деб! Эшелонда қолдиришди. Бир ҳафтагача дала лазаретида қолиб кетишга тўғри келди. Мана энди полкимиз изидан кетяпман. Фрицлар думини ҳода қилиб қочгани-қочган. Бизни силар эса қувиб чарчамайди.

Саида, шикаст еган оёғи гўё эндигина эсига тушгандай унга маҳзун нигоҳ ташлаб қўйди-да, гапини узилган жойидан улаб кетди:

— Бу дейман, Маликахон, инсон боши тош-метиндан ҳам қаттиқ бўлар экан. Ўқ-снаряд парчалари тегавериб, аъзойи баданимни ғалвир қилиб юборди, назаримда. Кўриб турибсиз эсон-омонман. Сталинграддан мана шу ергача— Руминиягача етиб келдим. Энди кўпи кетиб, ози қолди. Ҳадемай уруш ҳам оппон-соппон бўлиб қолса керак. Қўлимда куч, дилимда душманга нисбатан қаҳру-ғазаб тўлиб-тошиб ётибди. — Қиз маъюс кўзларини бир нуқтага қадади-да, енгил уҳ тортди. — Европасини ҳам ўз кўзимиз билан кўриб турибмиз. Ҳаш-паш дегунча таслим бўлган Берлинни ҳам кўришга муяссар бўлади бу кўзлар.

— Биз Ваня билан биргалашиб бир кишини госпиталга ташлаб қайтяпмиз. Қора денгиз соҳилидаги Констанца деган шаҳарга. Ҳар ғал танҳо ўзим қатнардим. Бу сафарги беморнинг аҳволи анча оғир. Икковлон ҳамроҳ бўлишга тўғри келди. Жуда қаттиқ яраланган экан, шифохонага олиб боргунимизча тоза қийналиб, она сутимиз оғзимизга келди. Дам «сув» дейди, дам алжираб сўкинади, «Ура!» деб ҳайқиради. Кўринмас ҳужумга даъват қилади, бояқиш.

Яқинида портлаган бомба зарбидан йиқилиб, тупроқ уюмига кўмилиб қолибди. Бахтига шинели тупроқ орасидан чиқиб турган экан, топиб олишибди. Бизнинг медицина пунктларимизга қўйиб кетишганди. Бизда етарли асбоб-анжомлар йўқ-да, даволашни уддалай олмадик...

Поезд ғира-ширада Руминия—Венгрия давлат чегараси яқинидаги станцияга етиб келди. Дугоналар худди шу шаҳарда ажралиши керак. Саида Ғарбга кетган қуролдошларини сўроқлаб топиши, Малика билан Ваня эса ўз ҳарбий қисмларига кетишлари лозим.

Фронт йўлларида ногаҳон учрашиб, бир-бирини жондан севишиб қолган икки дугона учун ҳайрлашиш нечоғли оғир бўлмасин, на чора, улар шу ерда бир кеча тунаб, турли томонга кетишади. Яна бир бор дийдор кўришишдек бахт уларга кулиб боқадими, йўқми, ким билсин?

Ҳозирча ҳарбий комендатурани топиб, Саиданинг қисми жанг қилаётган жойни аниқлаш, мириқиб ҳордиқ чиқариб, ҳайрлашиш олдидан тўйиб-тўйиб ҳангомалашиб олишлари керак. Комендатура навбатчиси қизларни алоҳида хонага жойлаштирди. Қизлар: «кўрпа-ёстиқ кўрар кун бор экан-а», дегандай қувончга тўлиб, жой-жойларига ўрнашдилар. Лекин уларнинг сирэ уйқулари келмасди. Ҳар қайсиси ўз фикр-ҳаёлларига чулғанган. Дугоналар хийла шу аснода чурқ этмай ётишди.

Саида билан Малика баҳор тонгини мижжа қоқмай қарши олишди. Ванюша уларни уйғотгани келганда дугоналар аллақачон ўринларидан туриб, ювиниб-тараниб, нонуштага тайёрланаётишганди. Уччовлан нонушта қилишди.

Ҳайр-хўшлашиш дамлари ҳам келди. Фронт йўллари дугоналарни қаерга ташламасин, улар уруш тугагач, албатта топишиб олиш, унга қадар хат-хабарлар ёзишиб туришга аҳду паймон этишиб, қайта-қайта қучоқлашиб ҳайрлашдилар.

Султонованинг қисми қардош Чехословакияни фашизм асоратидан озод қилиш учун жанг қилаётган эди. Саида ўша томонга йўл олади. Малика билан Ванюша Венгриянинг Дебрецен шаҳрида қолишади.

...Саҳий қуёш заррин нурларини ёйиб, бутун борлиқни ёритиб турса-да, Маликанинг хўфтон кўнглини минг шамли чироқ ҳам равшан қилолмайди. Қайси ишга қўл урмасин, нима билан машғул бўлишга тиришмасин, Саиданинг қиёфаси кўз олдидан нари кетмайди. Орадан бир ҳафта, ўн кун чамаси вақт ўтибдики, ундан дарак йўқ. «Ҳоли нима кечди экан бечораниг? Қийналмай нетмай етиб бордимикин, қисмига?..». Ётса ҳам, турса ҳам Маликанинг фикри-зикри шу саволларга тутқун. Бироқ бекорга ҳавотир оларди у. Бир куни уч бурчакли мактубни хат ташувчининг қўлидан олди-ю, боши кўкка етиб, чеҳраси ёришди. Сабрсизлик билан хатни очиб, ўқий бошлади.

«Соғинчли салом! — деб бошланарди мактуб. — Қувонч билан Сизга хабар қиламанки, белгиланган манзилга ҳавф-хатарсиз етиб олдим. Тўпчилар полкидаман. Касбим мерганлик. Қарабсизки, эндиликда биз пиёда эмас, замбаракка миниб Ғарбга томон боряпмиз. Ғоят дилкаш, хушчақчақ йигитлар орасидаман. Ҳаммаси бир хил ҳурмат қилади. Очиғини айтганда, «Бир кўрганда ошно бўлдим сен қизга» дея оҳ-воҳ тортганлари ҳам йўқ эмас. Аммо бундайларини ўз вақтида тартибга чақириб қўйдим...».

Сўзлари юлуқ-юлқин, жумлалари тўмтоқ битилган мактуб унинг муаллифи қаёққадир шошилиб турганлигидан далолат берарди.

Ҳалигина кўзига ҳеч нарса кўринмай дилсиёҳликда юрган Малика қувончини яшира олмайди. Унинг наздида бир парча қоғоз эмас, ширинсухан Саиданинг ўзи кириб келгандай. Янгиликлардан ёзиб юборишини илтимос қилибди, тутинган синглиси. Қандай ўзгариш бўлиши мумкин Маликанинг ҳатида? Уша-ўша, фронт линиясидан хийла узоқда жойлашган соқчилар бўлинмаси, ҳарбий хизмат.

Жавоб хатида Малика Саиданинг уддабуролигига тасаннолар ўқиди, соғлиқ, бахт-саодат тилакларини изҳор этиб, унинг матонати билан ғурурланаётганини айтди.

Иккинчи мактубни Саида Май байрами билан қутлаб, Чехословакиянинг аллақайси тоғ оралиғидаги қишлоғидан йўллабди.

«Азиз дугонам! — деб бошлабди хатни. — Словак дўстларимиз она тупроғини ифлос газандалардан пешмапеш озод қилиб боряпмиз. Хатингизни олиб, теримга сиғмай севиниб кетдим. Ҳамон кўз олдимда турибсиз. Эсингизда бўлса керак, бирга бўлган дамларимизда роса суҳбат қурдик, ўтмишни тилга олиб, келажак турмушимиз ҳақида ширин ўйлар сурдик.

Аппон-саппон яқинлашган сари жон ширин кўринибмикин, ҳаётдан кўзга. Узоқ умр кўриб, яна ва яна яшагинг келади киши...

Ҳайр, омон бўлинг!

Синглингиз САИДА».

Шундан кейин Саидадан сира хат келмай қолди. «Қўли тегмаётгандир, — деб ўйларди Малика, — ҳечқиси йўқ, тани-жони соғ бўлса албатта топишиб оламиз. Орзу — умидларимизни рўёбга чиқармай қўймаймиз. Оренбургга борамиз, мириқиб дам оламиз, сўнгра серқуёш Узбекистонга жўнаймиз.

Аммо Саида фронтдан қайтмади.

Умрининг йигирманчи баҳорини ҳарбий кийим-бошда қарши олган ҳамшира Малика Гилмуддинова шифокорлик оқ халатини ҳамон ечгани йўқ. У республикамиз пойтахтидаги 6-шифохонада халққа хизмат қилмоқда.

Ҳамид ТОЖИБОЕВ.

ТошПИ ЯНГИЛИКЛАРИ

ДОҲИЙГА АТАЛГАН ФОТОСТЕНД

Химия-технология факультетининг КПСС тарихи кафедрасида «В. И. Ленин 110 ёшда» деган темада катта фотостенд ташкил қилинди. Стендда Ульяновлар оиласи аъзоларининг портретлари, доҳиймиз номи ва революцион фаолияти билан боғлиқ жойлар, музей ҳамда корхоналар кўринишларини акс эттирувчи расмларни кўрамиз. «Марксистик партия асосчиси», «Россия революцион пролетариати доҳийси», «Сибирь сургунида», «Реакция ва янги революцион кўтарилиш йилларида», «Пролетар интернационализмига садоқат» номли бўлимлардаги расмларда Владимир Ильичнинг революцион фаолияти акс этган.

Бу ерда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоларининг портретлари, партия ва давлатимиз атоқли намоёндалари ҳамда революционерларнинг расмлари ва бошқа материаллар бор.

Юбилей материаллари студент ва ўқитувчиларда катта қизиқиш туғдирмоқда.

«ТОШПИ 50 ЁШДА»

Институтнинг яқинда ўтказиладиган ярим асрлик юбилейи муносабати билан кутубхонанинг асосий биносида «ТошПИ 50 ёшда» номли кўргазма очилди. Кўргазмада институт олимлари, ўқитувчи ва илмий ходимлари томонидан нашр қилинган турли китоблар, монография, илмий-оммабоп асарлар, илмий мақолалар босилган журналлар қўйилган. Булар орасида профессор Ғ. У. Умаровнинг «Беруний», «Коперник ва ҳозирги фан», А. Шариповнинг «Буюк аллома Беруний», профессор М. Т. Ўрозбоев, профессор Қ. С. Аҳмедов, В. Зохидовнинг асарлари бор.

ТАРМОҚ ЛАБОРАТОРИЯЛАРИ

Институтда ўнга яқин янги тармоқ лабораториялари ташкил қилинди. Қурилиш материаллари, озиқ-овқат, полимер маҳсулотларини қайта ишлаш, бошқаришнинг автоматик системалари каби бошқа проблемалар ана шу лаборатория ходимлари томонидан ҳал қилинади. Тармоқ лабораториялари кўпроқ саноат корхоналарининг буюртмалари ва илмий муаммоларни ечиш билан шуғулланади.

«АЛИШЕР НАВОИЙ»

Драма тўгараги юбилейга бағишлаб Уйғун ва Иззат Султоннинг «Алишер Навоий» пьесасини саҳналаштирмоқда. Алишер Навоий ролини химия кафедрасининг мудири доцент Тўлқин Миркомилов ва Хусайн Бойқаро ролини эса, химия саноати экономикаси ва уни ташкил қилиш кафедраси мудири доцент Нуғмон Нормуҳамедовлар ижро этмоқда.

— Тўгарагимиз аъзолари кўпгина ажойиб спектакларни саҳналаштиришда қатнашганлар. Сўнгги спектаклимиз «Отелло» бўлди. Уни бир неча бор намойиш қилдик, телеэкран орқали ҳам кўрсатилди, — дейди суҳбатда тўгарак раҳбари Узбекистон халқ артисти Қудрат Хўжаев. — Янги спектаклимизни тез орада томошабинларга кўрсатиш ниятидамиз.

ҲАМКОРЛИК ШАРТНОМАЛАРИ

Институт факультетлари турли илмий ташкилотлар ва саноат корхоналари билан ҳамкорлик шартномалари тузмоқда. «Навоийазот» саноат бирлашмаси, Олмалиқ химия заводи, Москвадаги ўсимликларни ҳимоя қилиш, химиявий физика илмий-текшириш институтлари ва бир қанча олий ўқув юртлари билан ана шундай шартномалар тузилди. Амалга оширилиши оғир ва мураккаб бўлган илмий-техника масалалари, лойиҳа ва конструкторлик ишлари ҳамкорликда бажарилади. Бундан катта фойда кўрилиши амалда исботланди.

Қ. АХМЕРОВ,
химия фанлари кандидати.

Редактор ўринбосари
С. МУСАЕВ.

Реклама ва эълонлар

Узбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети

227-ЎРТА ҚИШЛОҚ ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти қуйидаги касблар бўйича малакали мутахассислар тайёрлайди: машина-трактор паркларида техник хизмат кўрсатиш бўйича созловчи мастер. Ўқиш муддати — 6 ой.

Чорвачилик фермалари ва комплексларидаги жиҳозларга хизмат кўрсатиш бўйича созловчи. Ўқиш муддати — 6 ой.

Трактор, автомашина ва қишлоқ хўжалик машиналари бўйича слесарь-ремонтчи. Ўқиш муддати — 8 ой.

Чорва комплексларидаги жиҳозларни ремонт қилиш бўйича слесарь-ремонтчи. Ўқиш муддати— 1 йил.

Чорвачилик фермаларидаги жиҳозларни ремонт-монтаж қилиш бўйича электромонтёр вазифасини бажараоладиган слесарь-ремонтчи. Ўқиш муддати—3 йил.

Гидравлик системага эга бўлган трактор, автомашина ва комбайнни созлай оладиган, ёқилғи аппаратураларни ремонт қиладиган слесарь-ремонтчи. Ўқиш муддати—3 йил.

Бир чўмичли экскаватор машинисти (кўп чўмичли экскаватор машиналарида ишлай оладиган машинист). Ўқиш муддати—1 йил.

Бульдозер-машинисти (скрепер, грейдерларни ҳам бошқара оладиган). Ўқиш муддати—3 йил.

Тикувчи-мотористка. Ўқиш муддати—1 йил.

Билим юртини тамомлаб чиққанлар тўла ўрта маълумот ва касбга эга бўлганликлари тўғрисида диплом оладилар.

Ўқув юртларига кириш вақтида имтиёзлардан фойдаланадилар.

Билим юртини аъло баҳолар билан тугатганлар ўрта ва олий техника ўқув юртларига имтиҳонсиз қабул қилинадилар.

Билим юртига қабул қилинганларнинг ҳаммаси кунига уч марта бепул иссиқ овқат, кийим-кечак, стипендия ва ётоқхона билан таъминланадилар. Тикувчи-мотористка курсини тамомлаганлар уйдан ишгача ва ишдан уйгача бориш учун транспорт билан таъминланадилар.

Билим юртининг адреси: Тошкент район, Чуқурсой кўчаси, 131-уй (109-автобуснинг, «17-мактаб» бекати).

Қабул комиссияси якшанба кунидан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 17.00 гача ишлайди.

Узбекистон Давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

13 МАРТ СОАТ 19.00 да

Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист

Олмахон ҲАЙИТОВА

ИШТИРОКИДА

КАТТА КОНЦЕРТ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар:

Қувондиқ ИСКАНДАРОВ, Шариф СУЛТОНОВ, Муъатабар ИУЛДОШЕВА.

Солистлар: Нуриддин ҲАЙДАРОВ, Отамурод ҲОЖИЕВ, Гулчеҳра ИСМОИЛОВА, Нуржаҳон САТТОРОВА, Бекажон ҲАЙИТОВА, Муҳаббат КУБАНОВА, Роза КАРИМОВА, Ражаб ИСМОИЛОВ, Комилжон РАҲИМОВ.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ.

Музика раҳбари — Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Салоҳиддин ТУХТАСИНОВ.

Программани — Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Ғулом ТОЖИАЪЛОЕВ олиб боради.

Билетлар концерт зали кассасида соат 14.00 дан сотилади.

Спорт

БИЛЛУР СОВРИН БАХСЛАРИ

Кеча иттифоқимизнинг бир нечта шаҳрида футбол бўйича СССР кубогининг сўнгги тур ўйинлари бўлиб ўтди. Сўнгги тур олдидан мусобақаларнинг 8/1 финал ўйинларида иштирок этувчи командаларнинг асосий қисми маълум эди.

Жумладан, Донецкнинг «Шахтёр» командаси Самарқандда ўз ўйинларини жуда юксак савияда ўтказди. Бу коллектив беш учрашувдан 10 очко тўплаб, футбол мухлислари олқишига сазовор бўлди. Зонада иккинчи йўлланмани Симферополнинг «Таврия» командаси қўлга киритди.

Ўз зоналарида муваффақиятли ўйин кўрсатган Тбилисининг «Динамо», «Қайрат», «Нефтчи», Минскнинг «Динамо», «Арарат», Москванинг «Торпедо» ва ЦСКА командалари ҳам иммчорак финал мусобақаларда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлдилар.

Европа кубок эгалари кубоги учун мусобақаларда иштирок этаётган Москванинг «Динамо» командаси саралаш учрашувларидан озод этилганлигини аввал ҳам маълум қилган эдик. Шунинг учун кубок учрашувларининг саккизинчи зонасидан фақат бир команда 8/1 финалга йўлланма олади. Бу коллектив ҳам маълум бўлди. «Пахтакор» биллур соврин учун мусобақаларни давом эттиради.

Ўтган куни пахтакорчилар Жиззахнинг «Бўстон» командаси билан сўнгги учрашувни ўтказди. Бу матч 1:0 ҳисоби билан пойтахт спортчилари фойдасига ҳал бўлди. «Пахтакор» 4 учрашувдан 6 очко тўплаб, футбол мухлислари олқишига сазовор бўлди.

Шу зонада иштирок этаётган «Трактор» командаси кеча бўлиб ўтган сўнгги учрашувда Фрунзе «Олга» командаси устидан ғолиб чиқса, очколар сонини 6 тага етказиши мумкин. Лекин, мусобақа низомига кўра учрашуваларда энг кўп ғалаба қозонган командагина ғолиб деб топиладди. «Пахтакор» тўрт учрашувнинг учтасида ғалаба қозонди. «Трактор» активида эса иккита дуранг бор.

Республика кубоги учун ўтказилаётган мусобақалар ҳам давом этаётир. Энг кучли командалар уч группага бўлиниб, ўзаро куч синашишяпти. Бугун республика коллективлари орасида тўртинчи тур мусобақалари бўлиб ўтади.

Уч турдан сўнг биринчи группада «Янгиер» ва «Соҳибкор» командалари пешқадамлик қилишяпти. Улар ҳисобида тўрттадан очко бор. Иккинчи группада эса бир йўла уч команда ўзаро рақобатлашмоқда. Булар уч ўйиндан учтадан очко тўплаган «Шаҳрихончи» «Нефтяник» ва Наманганнинг «Ёшлик» коллективларидир. Учинчи группада Самарқанднинг «Динамо» командаси ягона пешқадам. Динамочилар активида 6 очко бор.

М. ҲАСАНОВА ХОТИРА СОВРИНИ УЧУН

Халқаро хотин-қизлар байрами кунида Майна Хасанова хотира соврини учун енгил атлетика мусобақалари бўлиб ўтди. Ғузор шаҳрида ўтказилган аёллар беллашувларида республикамиз областлари, ҚҚАССР ва Тошкент шаҳридан 165 спортчи иштирок этди.

Умумкоманда ҳисобида фарғоналиклар биринчи, андижонликлар иккинчи, Тошкент шаҳри командаси эса учинчи ўринни эгаллади. Ғолиблар орасида пойтахт область вакиллари ҳам бор. Жумладан, Эльвира Шайхуддинова минг метрга югуришда биринчи бўлди.

ГИЛАМДА ПОЛВОНЛАР

Андижонда ёшлар ўртасида классик кураш бўйича республика мусобақаси ниҳоясига етди. Вазн категориялари бўйича ғолиб деб топилган 12 спортчининг 6 таси тошкентликдир. Жумладан, Феликс Ли, Матвей Баранов, Андрей Закесов, Бойсен Зайдуллаев, Толип Усмонов, Вячеслав Резуновлар ҳурмат шоҳсупасининг юқори поғонасига кўтарилишди.

Гарчи ўлкамизда баҳор нафаси уфураётган бўлса-да, Чимён тоғ тизмалари ҳамон қалин қор билан қопланган. Бу ерда шанба, якшанба кунлари кўплаб дам олувчилар сўнгги марта қиш завқини тотишмоқда. Тоғ бағри дам олувчилар билан гавжум бўлиб турибди.

Бу йилги қиш мавсумида меҳнаткашларнинг дам олиши намунали ташкил этилди. Прокат пунктлари шаҳарликлар хизматида бўлди. Аввалдан тузилган график асосида Тошкент шаҳар районларининг ишчи-хизматчилари навбатма-навбат дам олиш кунларини қалин қорли тоғ бағрида ўтказишди. Суратда: Чимён дам олувчилар билан гавжум.

Х. Мирзакаримов фотоси.

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Спектакль. 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.20 — Жонажон табиат. 16.40 — Л. Бетховен. 2-симфония, ре-мажор. 17.20 — В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигига. 18.00 — Концерт. 18.25 — Орлёнок. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — СССР халқ артисти А. Борисов А. П. Чехов ҳикояларини ўқийди. 20.15 — Эстрада программаси. 21.30 — Время. 22.00 — Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Спартак» —МАСК. Танаффус пайтида дунё воқеалари.

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ

I

18.20 — Сўз кетидан — сўз келар. 18.45 — Нурафшон давра. 19.10 — Миллионлар ленинча университети. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Оламга боқ. 19.55 — Ф. Белялов куйлайди. 20.30 — Ахборот. 20.50 —Концерт. 21.30 — Время. 22.00 — Илгор тажриба мактаби. 22.20 —Генерал Раҳимов. Бадиий фильм.

II

20.05 — Янгиликлар. 20.25— Эстетика асослари. 21.05 — Физика. 22.05 — Совет давлати ва ҳуқуқи асослари. 22.35 — Театр учрашувлари.

Театр

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 11/III да Келинлар қўзғолони, 12/III да Соқов рицарь, 13/III да Истеҳком.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 12/III да Зебо-зебона, 13/III да Чоллар ва кампирлар.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 11/III да Отасининг қизи (19.00), 13/III да Бадбашара ёҳуд Эзоп.

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА —Москва катта цирки артистларининг гастроллари.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—П. ЛЕНИН кўчаси, 41. | Телефонлар: редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь — 334808, 325353; секретариат — 325750. | БЎЛИМЛАР: оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325647; адабиёт ва санъат — 325767; совет қурилиши — 325553; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик —325733; маданият — 325645; фотомухбир — 325894.

Р. 07126. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64633. Б. 1559. 8